



ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

The constitution, the law, the decree, the resolution, the instruction.

**ANALYSIS OF NATIONAL REGULATORY DOCUMENTS ON
THE DETECTION AND DISCLOSURE OF FRAUD-RELATED
CRIMES**

Umurzakov Anvar Gayratovich

Officer in charge of the Ministry of Internal Affairs, Lieutenant Colonel.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987484>

ABSTRACT

The article analyzes the content of national regulatory legal acts on the detection and disclosure of fraud crimes and develops scientifically sound suggestions and recommendations

**АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ НОРМАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ ПО
ВЫЯВЛЕНИЮ И РАСКРЫТИЮ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С
МОШЕННИЧЕСТВОМ**

Умурзаков Анвар Гайратович

Ответственный сотрудник Министерства внутренних дел, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987484>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

Конституция, закон, указ, постановление, инструкция.

ABSTRACT

В статье проанализировано содержание национальных нормативных правовых актов по выявлению и раскрытию преступлений мошенничества и разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации.

**ФИРИБАРЛИК ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ
МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Умурзаков Анвар Гайратович

Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987484>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

Конституция, қонун, фармон, қарор, йўриқнома.

ABSTRACT

Мақолада фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг миллий норматив-хуқуқиий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилиниб, илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center IF= 7.7

www.in-academy.uz

Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг миллий норматив-хуқуқий хужжатлари деганда, мазкур жиноятга қарши курашишга хизмат қилувчи норматив-хуқуқий хужжатлар тушунилади.

Фирибгарлик жиноятини аниқлаш деганда, ўзганинг мол-мулкини алдаш йўли билан қўлга киритганлиги ҳолати бўйича ички ишлар органларига келиб тушган ариза ва хабарлар тушунилади.

Фирибгарлик жиноятини фош этилиши деганда, ўзганинг мол-мулкини алдов ёки ишончни суюистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритган шахсни қилмишларини тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали жиноят-процессуал қонунчилик тартибида расмийлаштириш фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилиги ва хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади ҳамда унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4 қисмдан иборат бўлиб, алдаш ёки ишончни суюистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хуқуқни қўлга киритиш усули, етказилган зарар миқдори, жиноятда иштирокчилик шакллари ва турларидан келиб чиқсан ҳолда айбдор шахснинг қилмишига хуқуқий баҳо берилади¹.

Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулқдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янгиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янгиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янгиштиришга қаратилган қасдан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, турли битимлар ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш киради.

Фирибгарликда ишончни суюистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулқдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-урұғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин².

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормалари мазмун-моҳиятида фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этиш юзасидан маълум

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // (Электрон манба: <http://www.lex.uz>.мурожаат вақти: 06.02.2025).

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон Қарори // (Электрон манба: <http://www.lex.uz>. мурожаат вақти: 07.02.2025).



функцияни бажаришга, жумладан, ички ишлар органларининг жиноят қидириув бўлинмаларига ёзма топшириқлар бериш, ариза ва шикоят юзасидан терговга қадар текширув ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш; далилларни тўплаш ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, тезкор ходимнинг ваколати доирасида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари (ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш) ва тезкор-қидириув тадбирларни ўтказиш, натижасини тергов органига тақдим этиш³ тартиби ҳақидаги умумий қоидалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 14, 15 ҳамда 16-моддалари⁴ биноан фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда қонуний асослар бўйича тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиб, жиноят қидириув ходимдан шу қонунда назарда тутилган тадбирни ўтказишнинг шартларига ҳам риоя қилиш талаб этилади.

Амалиётда ички ишлар органларининг жиноят қидириув бўлинмалари фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда асосан ИИВнинг тергов, профилактика, пробация, жамоат тартибини сақлаш ва патруль-пост хизмати бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиниб, ҳозирги глобаллашув шароитида мазкур жиноятни янги турлари кенг тарқалди. Айниқса, кибермаконда содир этилаётган киберфирибгарлик жиноятини фош этишда турли қийинчиликлар юзага келмоқда. Булар: *биринчидан*, жиноят қидириув бўлинмаларнинг моддий-техник базасининг талабга жавоб бермаслиги; *иккинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари билан ҳамкорлик самарали ташкил этилмаганлиги, бунинг асосий сабаби норматив-ҳуқуқий асоснинг йўқлигидир.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуидагилар таклиф этилади:

биринчидан, Ички ишлар вазирлиги фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан ҳамкорликда чора-тадбирларни белгилаш;

иккинчидан, ички ишлар органлари тизимида фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда ИИВнинг “Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этиш фаолиятини таратибга солиш тартиби ҳақида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини ишлаб чиқиши, ушбу йўриқноманинг 1-боби Умумий қоидалар; 2-боби Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда субъектларнинг асосий вазифалари; 3-боби Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар; 4-боби Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишда ҳамкорлик каби зарур механизmlарни ишлаб чиқиши ва амалиётда қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз.

³ Ўзбекитон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // (Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 08.02.2025).

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни // (Электрон манба: <http://www.lex.uz>. мурожаат вақти: 09.02.2025).



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center IF= 7.7

www.in-academy.uz

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг норматив-хукуқий асосларининг пухта механизмлари ишлаб чиқилса, мазкур жиноятни “иссиқ изи”да фош этилишига эришилди.

References:

1. Ўзбекитон Республикасининг Жиноят кодекси // (Электрон манба: <http://www.lex.uz.мурожаат вақти: 06.02.2025>).
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон Қарори // (Электрон манба: <http://www.lex.uz. мурожаат вақти: 07.02.2025>).
3. Ўзбекитон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // (Электрон манба: [http://www.lex.uz. \(мурожаат вақти: 08.02.2025\)](http://www.lex.uz. (мурожаат вақти: 08.02.2025)).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни // (Электрон манба: <http://www.lex.uz. мурожаат вақти: 09.02.2025>).